

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.171.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ  
ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАГАЕВА ГУЛНОРА АНВАРОВНА**

**ЎҚС ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ПРОГНОЗ МОДЕЛИГА КЎРА  
ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ХАВФИНИ  
КАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРНИНГ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИЛИШИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Нагаева Гулнора Анваровна**

ЎКС билан оғриган беморларда 5-йиллик прогноз модели асосида юрак-  
кон томир касалликлари хавфини камайтиришга қаратилган профилактик  
чораларнинг оптималлаштирилиши.....3

**Нагаева Гулнора Анваровна**

Оптимизация превентивных мероприятий по снижению кардиоваскулярного  
риска на основании 5-летней прогностической модели больных ОКС.....27

**Nagaeva Gulnora Anvarovna**

Optimization of preventive measures to reduce cardiovascular risk based on a 5-  
year prognostic model in patients with ACS.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.171.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ  
ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАГАЕВА ГУЛНОРА АНВАРОВНА**

**ЎКС ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ПРОГНОЗ МОДЕЛИГА КЎРА  
ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ ХАВФИНИ  
КАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАРНИНГ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИЛИШИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2025**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Tib1006 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертация Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Мухамедова Муяссар Гафуржановна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арнапольская Дина Иосифовна  
тиббиёт фанлари доктори

Хамраев Атажан Каримович  
тиббиёт фанлари доктори

Розиқўжаева Гулнора Ахмедовна  
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04./04.07.2023.Tib.171.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023-йил "21" май соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси 4. Tel./Faks (99871) 262-42-41, e-mail: [info@uz](mailto:info@uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси 4. Tel./Faks (99871) 262-42-41).

Диссертация автореферати 2025-йил " 8 " 05 \_\_\_\_\_ кунин тарқатилди.  
(2025 йил " 8 " 05 \_\_\_\_\_ даги 2 рақамли регистр баённомаси)



С.Ш. Миррахимова  
Илмий ларғажалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

А.Н. Нуралдиева  
Илмий ларғажалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Г.А. Рахуллова  
Илмий ларғажалар берувчи Илмий кенгаш  
тўғрисидаги илмий семинар раиси уринибосари,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг ҳарбий доктринасида муҳофаа қобилияти ва юқори профессионал тайёргарликни таъминлашда ҳарбий хизматчилар соғлиғини, айниқса, юрак-қон томир касалликлари (шу жумладан ўткир коронар синдром–ЎКС) бўйича ва юқори касбий тайёргарлигини таъминлашда, касалликларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга комплекс ёндашиш шароитида даволаш-профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда“ Касбий фаолиятнинг ўзига хослиги ва тегишли турмуш шароити, ҳам дунёдаги геосиёсий вазият муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида ЮҚТ касалликлари билан касалланиш кўпайиб бормоқда, бу эса ўз навбатида декомпенсацияланган ҳолатнинг ривожланиши ёки мавжуд сурункали патологияларнинг кучайиши учун шароит яратади”<sup>1</sup>. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларда ўткир коронар синдром диагностикаси ва даволашни комплекс ташкил этиш ҳарбий профилактика тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда дунёда терапияга бўлган садоқат, яъни инсоннинг шифокор томонидан тавсия этилган кўрсатмаларга бўлган муносабати, замонавий тиббиётда кенг ўрганилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади, шу жумладан ҳарбий хизматчилар орасида ҳам, чунки фармакологик иккиламчи профилактика ҳарбий хизматчиларнинг реабилитациясининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда, айниқса ўткир коронар синдромни кечирган ҳарбийлар учун; аммо даволашнинг стандартларига риоя қилиш кўп ҳолларда оптимал бўлмайди, бу эса унинг самарадорлигини пасайтиради ва оғир асоратларнинг ривожланишини, яъни ногиронликка олиб келадиган ва армиядан бўшатилишга сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида иқтисодий томонга салбий таъсир кўрсатади, чунки ногиронлик бўйича нафақа тўлаш учун харажатлар пайдо бўлмоқда.

Мамлакатимизда қуролли кучларини замонавий ривожлантириш асосида, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологиядаги соматик касалликларнинг профилактикаси бўйича муайян чоралар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва янги босқичга чиқиш мақсадида, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

<sup>1</sup> Army Community Service (ACS). [https://myarmybenefits.us.army.mil/benefit-library/federal-benefits/army-community-service-\(acs\)?serv=120](https://myarmybenefits.us.army.mil/benefit-library/federal-benefits/army-community-service-(acs)?serv=120)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

холда, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, жумладан, юрак-кон томир касалликларининг (ЮҚТК) профилактикаси ҳамда армиянинг шахсий таркиби саломатлигини сақлаш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Ўткир коронар синдром билан оғриган ҳарбий хизматчиларнинг юрак-кон томир хавфини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда, улар орасида қуйидагилар киради: Италияда - Салерно университетининг тиббиёт, жарроҳлик ва стоматология кафедраси, Оспedale дегли Инферми кардиология кафедраси, Сан-Раффаеле очик университетининг Гуманитар фанлар ва ҳаёт сифатини ошириш бўлими; Ҳиндистонда - Профилактик кардиология ва тиббиёт бўлими, Доимий кардиология парвариши ва тадқиқот маркази ва Нумен соғлиқни сақлаш; Испанияда - Муқаддас Хоч ва Санкт-Пол касалхонасининг кардиология бўлими, Сан-Хуан-де-Аликанте университет касалхонаси ва ИИС-Фундасион Хименез Диаз университет касалхонасининг кардиология бўлими; Австралияда - Сент-Жорж глобал саломатлик институти, Вестмеад амалий тадқиқотлар маркази ва Сидней университети қошидаги тиббиёт ва соғлиқни сақлаш фанлари факултети; АҚШда - Бригҳам ва аёллар касалхонаси, Массачусетц умумий касалхонаси ва Гарвард тиббиёт мактабининг

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/>, [www.acog.org](http://www.acog.org), [www.nih.gov](http://www.nih.gov), [www.cusbrescia.it](http://www.cusbrescia.it), [www.sdu.dk](http://www.sdu.dk), [ki.se/en](http://ki.se/en), [unimelb.edu.au](http://unimelb.edu.au), [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu), [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br), [ksu.edu.sa/en/](http://ksu.edu.sa/en/), [www.anouk.org](http://www.anouk.org), <https://elibrary.ru/>, [unideb.hu/en](http://unideb.hu/en), [www.aichi-u.ac.jp](http://www.aichi-u.ac.jp), [www.usu.ac.id](http://www.usu.ac.id), [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in), [ncagp.ru](http://ncagp.ru), [zkmu.kz](http://zkmu.kz), <https://akad.uz/> и на основании других источников

кардиология бўлими; Ямайкада - Монадаги Ғарбий Ҳиндистон университетининг кардиология бўлими; Руминияда - Виктор Бабеш номидаги тиббиёт ва фармацевтика университетининг кардиология кафедраси; Россияда - Киров давлат тиббиёт университети, Сибир давлат тиббиёт университети ва Петрозаводск давлат университети; Қозоғистонда – Марат Оспанов номидаги Ғарбий Қозоғистон тиббиёт университети; Ўзбекистонда – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси. Ушбу муассасаларда юрак-қон томир касалликларини даволаш ва олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жахонда ўтказилган тадқиқотлар натижасида, ўткир коронар синдроми бўлган беморларни аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш, шунингдек, юрак-қон томир асоратларини камайтиришга қаратилган профилактика чораларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий янгиликлар қўлга киритилди: ацетилсалицил кислотасининг юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда муҳим роли исботланган (Medicine, Surgery and Dentistry бўлими, Салерно Университети, Италия); ўткир коронар синдроми бўлган беморлар шифохонадан чиққандан кейин тиббий тавсияларга риоя қилишнинг камайишини аниқловчи омиллар белгиланди (The George Institute for Global Health, Сидней Университети, Австралия); юрак-қон томир асоратларини ривожланиш хавфини камайтириш мақсадида турли юрак реабилитация дастурлари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги исботланган (Servicio de Cardiología, Hospital Universitario San Juan de Alicante, Испания); юрак-қон томир касалликларининг салбий оқибатларини камайтиришда икки карра антитромботик терапиянинг клиник самарадорлиги аниқланган (Сибир давлат тиббиёт университети, Россия); ўткир коронар синдромнинг узоқ муддатли салбий оқибатлари ривожланишининг асосий сабабларидан бири сифатида беморларнинг ўз соғлиғининг оғирлиги тўғрисидаги паст хабардорлиги аниқланган (Петрозаводск давлат университети, Россия).

Ҳарбий хизматчилар орасида ўткир коронар синдромнинг прогнозини ва профилактика қилишни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар қўпинча кичик намуналар асосида олиб борилади, бу эса касбнинг ўзгача хусусиятлари ва маълумотларнинг махфийлиги билан боғлиқ бўлиб, тадқиқотларнинг тўлиқ таҳлил қилишини қийинлаштиради ва самарали профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳарбий хизматчилар учун мослаштирилган реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда жиддий тўсиқ яратади, муаммо фақат ривожланган соғлиқни сақлаш тизимига эга мамлакатлардагина эмас, балки ривожланаётган давлатларда ҳам долзарб бўлиб, бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда, ҳарбий хизматчилар орасида ўткир коронар синдромларнинг прогнозини яхшилаш, профилактика қилиш, даволаш ва реабилитация самарадорлигини ошириш, юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтириш ва уларнинг соғлиғини яхшилаш, эрта меҳнат қобилятини йўқотишини ва Қуролли Кучлардан чиқарилишини олдини олишга қаратилган

кенг ва мукамал тадқиқотлар олиб боришга очик эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётда мавжуд бўлган кўплаб маълумотларга қарамай, коморбидлик ва ўткир коронар синдром масалаларини ўрганишга бағишланган сўнгги кенг кўламли тадқиқотлардан бири 2016 йилда ўтказилган MADDEC (Mass Data in Detection and Prevention of Serious Adverse Events in Cardiovascular Disease) тадқиқотидир. Ушбу тадқиқотда муаллифлар Charlson коморбидлик индекси (Charlson Comorbidity Index–CCI) ёки унинг алоҳида компонентлари ўткир коронар синдром билан боғлиқ умр кўриш давомийлигига таъсир қилувчи ҳамроҳ касалликларнинг умумий ўлимга таъсирини ўлчашда, GRACE (Global Registry of Acute Coronary Events) шкаласи билан таққосланганда, 2 йиллик кузатув даврида сезиларли аҳамиятга эга эмаслигини аниқладилар. Бунга қарама-қарши равишда, Zhang F. ва ҳаммуаллифлар (Fangyuan Zhang, Chunwai Wong, Yida Chiu ва бошқалар, 2021) томонидан 12 тадқиқот таҳлил қилинди, унда жами 6 885 982 нафар бемор иштирок этди. Улар ўз таҳлилларида турли коморбидлик ўлчовларини умумлаштириб, юқори коморбидлик баллари ўткир коронар синдромда ёмон натижаларга боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Уларнинг фикрига кўра, CCI клиник хавф шкалаларига қўшимча қиймат қўшувчи энг кенг тарқалган коморбидлик юкини баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Россия Федерациясида коморбидлик масалалари "КООРДИНАТА" (2006–2009-йиллар) кўп марказли тадқиқотида ўрганилган. Ушбу тадқиқотда муаллифлар AG/IBS (артериал гипертензия/ишемик юрак касаллиги) билан оғриган беморларда ташвиш ва депрессия аломатлари 1,5–2 баробар юқори юрак-қон томир катастрофалари ва ўлим хавфини оширишини аниқладилар. Бу кузатув 1,5 ва 3 йиллик даврларни ўз ичига олган. 2018 йилда ўтказилган "КОМЕТА" тадқиқоти AG/IBS билан оғриган беморларда юрак-қон томир касалликлари ривожланишининг психосоциал хавф омилларини, уларнинг анъанавий хавф омиллари билан боғлиқлигини ва натижага таъсирини ўрганди. Ушбу тадқиқот беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва юрак-қон томир асоратларини олдини олиш учун оптимал бошқарув тактикаларини ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Ўзбекистонда коморбидлик, комплаентлик ва яқин ҳамда узоқ муддатли (5 йиллик) прогноз билан боғлиқ муаммоларни қамраб олган кенг кўламли клиник тадқиқотлар инобатга олинмаган. Шу билан бирга, бу тадқиқотларда асосан психосоциал ҳолатлар баҳоланган, аммо бошқа аъзо ва тизимларнинг зарарланиши ҳамда беморларнинг даволанишга риоя қилиш даражаси (комплаентлик) тўлиқ ўрганилмаган.

Бундан ташқари, ушбу патологиянинг олдини олиш ва терапевтик даволаш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, бу кардиопатологиянинг шаклланиши ва ривожланишидаги ўткир коронар синдром ва тўсатдан юрак ўлимига олиб келадиган турли патогенетик долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз ушбу саволларни ҳал қилишга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 112.5070634 «Ҳарбий хизматчиларда ўткир коронар касалликлар реестри ва профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш» мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган (2021-2024 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир коронар синдромда 5 йиллик прогнозни баҳолаш ва ҳарбий хизматчилар орасида коморбидлик мавжудлиги ҳамда комплаентлик даражасини инобатга олган ҳолда юрак-қон томир хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чораларни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўткир коронар синдром билан оғриган ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлари Марказий ҳарбий госпиталида даволанган ҳарбий хизматчилар орасида ҳамроҳ патологик ҳолатларнинг учраш частотасини ретроспектив таҳлил қилиш ва улардан энг муҳимларини аниқлаш;

ўткир коронар синдром билан оғриган беморлар танловида коморбидлик тузилмаси ва унинг умумий кўрсаткичларини Charlson индекси ва Kaplan-Feinstein шкаласи билан солиштириш асосида ўрганиш;

айрим коморбид патологик ҳолатларнинг, масалан, артериал гипертензия ва қандли диабетнинг оғирлигини беморларнинг шифокор тавсияларига риоя қилиш даражасига боғлиқ ҳолда анамнестик маълумотлар асосида ретроспектив баҳолаш;

асосий патологик ҳолатнинг трансформациясига бошланғич комплаентликнинг (анамнестик маълумотлар) таъсирини стационардан чиқиш вақтига ва касалхонага ётқизиш натижасининг яқин муддатли прогнозига ретроспектив таҳлил қилиш;

ўткир коронар синдромни бошдан кечирган ҳарбий хизматчилар орасида 5 йиллик прогноз, тирик қолиш ва ўлим даражасини проспектив ўрганиш ҳамда коморбидлик тузилмаси ва умумий кўрсаткичлари, шунингдек, беморларнинг дори-дармонларни қабул қилишга риоя қилиш даражасини инобатга олган ҳолда профилактик чораларни оптималлаштириш стратегиясини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси кардиология бўлими 2021-2024 йиллар давомида ўткир коронар синдром бўлган 449 нафар ҳарбий беморлар таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўткир коронар синдром билан оғриган ҳарбий беморларда физикал текширувлари, қоннинг лаборатор таҳлиллари, жумладан қондаги гемоглобинни пасайиши, креатинин ва

глюкоза ошиб борилиши, қон биохимик ва липидограмма таҳлил кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анамнестик маълумотлар, физикал текшириш, тонометрия, электрокардиография, эхокардиография, Мориски-грин сўровномаси, Charlson ва Kaplan-Feinstein индекслари ҳамда лаборатор усуллар: ўмумий қон анализи, умумий биохимия, липидограмма ва статистик усуллари (t-Стьюдента, Пирсон,  $\chi^2$  (хи-квадрат), Kaplan–Mayer усули, бир омилли ва кўп омилли дисперсион таҳлил) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳарбий хизматчиларда ўткир коронар синдром жараён ва бирга келадиган патологик ҳолатларда эндокрин тизим гормонлари инсулин ва қондаги темир миқдорини ўзгариши ҳисобига миокард хужайраларини қон билан таъминланишини ўзгариши ҳисобига ўткир коронар синдром асорати ривожланиши ва оғирлашиши исботланган;

ҳарбий хизматчиларда паст комплаентлиги натижасида коронар контомир тромбози ҳисобидан кардиомиоцитларда ўткир моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида кислород билан таъминлашининг издан чиқиши ва тўсатдан коронар ўлимга олиб келиши аниқланган;

ҳарбий хизматчиларда терапия жараёнида, асосий/бошланғич мувофиқлик даражаси ва бирга келадиган касалликлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда, ўткир коронар синдромнинг зўриқиш стенокардияга, ёки ўткир миокард инфарктига баъзи ҳолларда тўсатдан юрак ўлимига олиб келиши ўртасида 1:1 корреляцион боғлиқлик аниқланган;

ўткир коронар синдромли ҳарбий хизматчиларда бошланғич ташхисларни кўшма касалликлар даражасига ва дастлабки мувофиқлик кўрсаткичларига қараб ўзгартиришнинг ўтказилган таҳлили ўткир коронар синдромнинг бевосита прогнозини оғирлаштирадиган кўшимча ноқулай омилларни аниқлашга, шунингдек ушбу патологиянинг ривожланиш қонуниятлари асосланган;

ҳарбий хизматчиларнинг ўткир коронар патологиядан кейинги 5 йиллик ҳаёти прогнози коморбидлик ва мувофиқлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ўрганилди, бу ўткир коронар синдромли беморларда 5 йиллик салбий оқибатларнинг хавфини баҳолаш учун прогностик шкала ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўткир коронар синдроми билан оғирган ҳарбий хизматчиларнинг умумий клиник кўрик натижалари ретроспектив таҳлил асосида ўтказилган;

ўткир коронар синдроми бўлган ҳарбий хизматчиларда коморбидлик даражаси (хамроҳ касалликлар ва уларнинг умумий йиғиндиси) ҳамда асосий муолажалар (бевосита госпитализацияга келгандан олдин) бўйича мувофиқлик даражаси ўрганилган;

ўткир коронар синдром билан касалланган беморларда коморбидлик ва муолажаларнинг мувофиқлик даражалари ўртасидаги алоқа ва уларнинг ўзаро таъсири баҳоланган, шунингдек, бу кўрсаткичларнинг касалҳонанинг чиқиш пайтидаги қисқа муддатли натижаларга таъсири аниқланган;

госпитализация пайтидаги ташхислар баҳоланиб, уларни касалхонадан чиққандан кейин ўзгартириши (яъни трансформацияси) асосий муолажалар ва умумий коморбидлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган, бу жараёнда кенг тарқалган Чарлсон ва Каплан-Фейнштейн индексларидан фойдаланилган;

касалхонага ётқизиш босқичидаги ўлим даражаси баҳоланди ва тадқиқ қилинган танловнинг 5 йиллик прогнозлари комплаентлик ва коморбидлик даражаси билан боғлиқ ҳолда ўрганилган, шунингдек, тирик қолган беморлар ўртасида даволаш тадбирлари (амбулатор ёки стационар)нинг таъсири ҳам кўшимча таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги** ишда қулланилган назарий ёндашув ва усуллар, услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танлаганлиги, қулланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тулдирадиган тажриба билан белгиланади: ўткир коронар синдром ҳолатидаги тузилма ва функция бузилишларининг патогенезини илмий асослаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш тажрибасига асосланган замонавий сўров, лаборатория, функционал-асбобий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланиш. Етарлича клиник танлов ҳажмида ўтказилган тадқиқот. Математик ва статистик таҳлилнинг назарий ва амалий жиҳатдан мақбуллиги ҳамда синовдан ўтган усуллардан фойдаланиш. Олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқот маълумотлари билан таққосланиши. Ушбу натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги.

Бу омилар тадқиқот хулосаларининг илмий асосланганлигини ва ишончлилигини кафолатлайди.

#### **Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўткир коронар синдром билан касалланиш кўрсаткичларининг ўсиши ҳамроҳ патологияларнинг кенг тарқалганлиги, хизмат шароитларининг ўзига хос хусусиятлари ва даволашга мослашувнинг паст бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўткир коронар синдром билан касалланган беморларда коморбидлик даражаси ва стандарт терапияни қабул қилишга мослашувни комплекс баҳолаш, ўткир коронар синдромнинг нохуш юрак-қон томир ҳодисалари ва асоратларини, шу жумладан, барвақт ногиронлик, тўсатдан юрак ўлими ва юрак ўлими хавфини олдини олиш бўйича иккиламчи даражали профилактиканинг фундаментал асоси сифатида қаралиши мумкин, бунинг амалиётдаги самараси тадқиқ қилинган ҳарбий хизматчилар танловининг 5 йиллик прогнозини баҳолашда аниқ кўрсатилди.

#### **Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши.**

*биринчи илмий янгилик:* ҳарбий хизматчиларда ўткир коронар синдром жараён ва бирга келадиган патологик ҳолатларда эндокрин тизим гормонлари инсулин ва қондаги темир миқдорини ўзгариши ҳисобига миокард хужайраларини қон билан таъминланишини ўзгариши ҳисобига ўткир коронар

синдром асорати ривожланиши ва оғирлашиши исботлангани асосида «Ўткир коронар синдромли беморларда яқин ва узок муддатли (5 йиллик) прогнозни баҳолашда комплаентликнинг турли омиллар билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг роли» ҳамда «Коморбидлик ва унинг кескин коронар синдромли беморларнинг 5 йиллик прогнозини баҳолашдаги роли» мавзуларида методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Координация ва экспертлик кенгашининг 2024 йил 4 октябрдаги №4 протоколи ҳамда 2024 йил 8 октябрдаги №8 Илмий кенгаш протоколи билан маъқулланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 18 октябрдаги №418 буйруғи асосида амалиётга жорий этилди. Бу тавсиялар Фарғона ҳарбий госпитали (№21/10, 2024 йил 21 октябрь) ва Қарши ҳарбий госпитали (№17/2, 2024 йил 21 октябрь) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 22 октябрдаги №421 маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик ЎКС касаллигини ривожланишини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш, даволаш ва профилактика чора тадбирлари учун сарфланадиган 1.7 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

*иккинчи илмий янгилик:* ҳарбий хизматчиларда паст комплаентлиги натижасида коронар контомир тромбози ҳисобидан кардиомиоцитларда ўткир моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида кислород билан таъминлашининг издан чиқиши ва тўсатдан коронар ўлимга олиб келиши аниқлангани асосида «Ўткир коронар синдромли беморларда яқин ва узок муддатли (5 йиллик) прогнозни баҳолашда комплаентликнинг турли омиллар билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг роли» ҳамда «Коморбидлик ва унинг кескин коронар синдромли беморларнинг 5 йиллик прогнозини баҳолашдаги роли» мавзуларида методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Координация ва экспертлик кенгашининг 2024 йил 4 октябрдаги №4 протоколи ҳамда 2024 йил 8 октябрдаги №8 Илмий кенгаш протоколи билан маъқулланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 18 октябрдаги №418 буйруғи асосида амалиётга жорий этилди. Бу тавсиялар Фарғона ҳарбий госпитали (№21/10, 2024 йил 21 октябрь) ва Қарши ҳарбий госпитали (№17/2, 2024 йил 21 октябрь) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 22 октябрдаги №421 маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик ЎКС касаллигини ривожланишини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш, даволаш ва профилактика

чора тадбирлари учун сарфланадиган 1.7 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

*учинчи илмий янгилик:* ҳарбий хизматчиларда терапия жараёнида, асосий/бошланғич мувофиқлик даражаси ва бирга келадиган касалликлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда, ўткир коронар синдромнинг зўриқиш стенокардияга, ёки ўткир миокард инфарктига баъзи ҳолларда тўсатдан юрак ўлимига олиб келиши ўртасида 1:1 корреляцион боғлиқлик аниқлангани асосида «Ўткир коронар синдромли беморларда яқин ва узоқ муддатли (5 йиллик) прогнозни баҳолашда комплаентликнинг турли омиллар билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг роли» ҳамда «Коморбидлик ва унинг кескин коронар синдромли беморларнинг 5 йиллик прогнозини баҳолашдаги роли» мавзуларида методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Координация ва экспертлик кенгашининг 2024 йил 4 октябрдаги №4 протоколи ҳамда 2024 йил 8 октябрдаги №8 Илмий кенгаш протоколи билан маъқулланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 18 октябрдаги №418 буйруғи асосида амалиётга жорий этилди. Бу тавсиялар Фарғона ҳарбий госпитали (№21/10, 2024 йил 21 октябрь) ва Қарши ҳарбий госпитали (№17/2, 2024 йил 21 октябрь) амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 22 октябрдаги №421 маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик ЎКС касаллигини ривожланишини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш, даволаш ва профилактика чора тадбирлари учун сарфланадиган 1.7 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

*тўртинчи илмий янгилик:* ўткир коронар синдромли ҳарбий хизматчиларда бошланғич ташхисларни қўшма касалликлар даражасига ва дастлабки мувофиқлик кўрсаткичларига қараб ўзгартиришнинг ўтказилган таҳлили ўткир коронар синдромнинг бевосита прогнозини оғирлаштирадиган қўшимча ноқулай омилларни аниқланганда, шунингдек ушбу патологиянинг ривожланиш қонуниятлари аниқлаш асосида «Ўткир коронар синдромли беморларда яқин ва узоқ муддатли (5 йиллик) прогнозни баҳолашда комплаентликнинг турли омиллар билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг роли» ҳамда «Коморбидлик ва унинг кескин коронар синдромли беморларнинг 5 йиллик прогнозини баҳолашдаги роли» мавзуларида методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Координация ва экспертлик кенгашининг 2024 йил 4 октябрдаги №4 протоколи ҳамда 2024 йил 8 октябрдаги №8 Илмий кенгаш протоколи билан маъқулланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 18 октябрдаги №418 буйруғи асосида амалиётга жорий этилди. Бу тавсиялар Фарғона ҳарбий госпитали (№21/10, 2024 йил 21 октябрь) ва Қарши ҳарбий госпитали (№17/2, 2024 йил 21 октябрь) амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 22 октябрдаги №421 маълумотномаси).

*Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик ЎҚС касаллигини ривожланишини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш, даволаш ва профилактика чора тадбирлари учун сарфланадиган 1.7 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

*бешинчи илмий янгилик:* ҳарбий хизматчиларнинг ўткир коронар патологиядан кейинги 5 йиллик ҳаёти прогнози коморбидлик ва мувофиқлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ўрганилди, бу ўткир коронар синдромли беморларда 5 йиллик салбий оқибатларнинг хавфини баҳолаш учун прогностик шкалани ишлаб чиқиш асосида «Ўткир коронар синдромли беморларда яқин ва узоқ муддатли (5 йиллик) прогнозни баҳолашда комплаентликнинг турли омиллар билан ўзаро боғлиқлиги ва унинг роли» ҳамда «Коморбидлик ва унинг кескин коронар синдромли беморларнинг 5 йиллик прогнозини баҳолашдаги роли» мавзуларида методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси Координация ва экспертлик кенгашининг 2024 йил 4 октябрдаги №4 протоколи ҳамда 2024 йил 8 октябрдаги №8 Илмий кенгаш протоколи билан маъқулланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 18 октябрдаги №418 буйруғи асосида амалиётга жорий этилди. Бу тавсиялар Фарғона ҳарбий госпитали (№21/10, 2024 йил 21 октябрь) ва Қарши ҳарбий госпитали (№17/2, 2024 йил 21 октябрь) амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 22 октябрдаги №421 маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик ЎҚС касаллигини ривожланишини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш, даволаш ва профилактика чора тадбирлари учун сарфланадиган 1.7 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 5 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтқазилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланадиган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби—«Адабиётлар шарҳи»да, профилактика ва прогноз баҳолаш мавзусида халқаро ва маҳаллий илмий адабиётларга асосланган замонавий тадқиқотлар таҳлил қилинади. Бобда муаммоли масалалар аниқланиб, уларнинг долзарблиги асослаб берилади. Тадқиқот мавзусининг ҳозирги ҳолати ўрганилган, ЎКСдан кейинги юрак-қон томир касалликларининг профилактикаси, ушбу беморларнинг ҳаёт прогнозининг долзарблиги, коморбидликни ўрганиш ва унинг замонавий баҳолаш шкаллари ва индексларига асосланган таҳлили ёритилган. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги беморлар орасида комплиянсни (даволашга риоя қилишни) ўрганиш зарурияти асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби—«Тадқиқот методологияси ва усуллари»да клиник материал, танлаш ва чиқариб ташлаш мезонлари, қўлланилган ёндашувлар ва тадқиқот усуллари батафсил баён қилинган. Статистик таҳлил усуллари ҳам тақдим этилган. Тадқиқот икки босқичда амалга оширилган.

*Ретроспектив қисм.* Ушбу тадқиқот босқичига 2015 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда ЎКС ташхиси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпиталида (МВМГ) даволанган барча беморлар (n=449) киритилган. Ушбу босқичда ўткир коронар синдром билан оғриган беморларнинг тиббий тарихидан олинган маълумотлар таҳлил қилинди. Тиббий хужжатлар МВМГ архивидан олиниб, қуйидаги маълумотлар йиғилди: беморнинг Ф.И.Ш. ва туғилган йили, антропометрик кўрсаткичлар (бўй, вазн, тана массаси индекси—ТМИ), касалхонага келишдаги ташхис, асосий касалликнинг анамнези (шу жумладан, илгари ўтказилган миокард инфаркти) ва қўшимча патологиялар (неврологик, нафас, сийдик чиқариш тизими, меъда-ичак тракти ва бошқалар), мазкур госпитализациягача қабул қилинган дори воситалари (ДВ), систолик ва диастолик артериал босим (АБ) кўрсаткичлари, юрак қисқариш частотаси (ЙҚЧ), лаборатор кўрсаткичлар (қон гемоглобини (Hb) даражаси, липид

спектри, қондаги глюкоза миқдори ва креатинин кўрсаткичлари–бўйрак функциясини СКД-ЭПИ формуласи бўйича ҳисоблаш учун).

Шунингдек, ЭКГ кўрсаткичлари таҳлил қилинди (ST сегментининг пасайиши ёки кўтарилиши, патологик Q-тишчасининг шаклланиши, T-тишчасидаги ўзгаришлар ва бошқалар), чиқарилишдаги ташхис ва ташхисларнинг стасионарда ўзгартирилиши баҳоланди. Чиқиш вақтида тавсия этилган дори воситалари ҳам қайд этилди. Баъзи беморларда тромболитик терапия (ТЛТ), шунингдек, жарроҳлик муолажалари (перкутан коронар интервенция (ПКИ) ёки аорто-коронар шунтлаш (АКШ)) бўйича маълумотлар мавжуд бўлса-да, 2015 йилда ушбу муолажалар ҳали экспериментал ва кенг фойдаланилмаётгани сабабли ушбу маълумотлар қисқа ва чекланган эди.

Коморбидликнинг баҳоланиши қуйидаги касалликлар асосида амалга оширилди: артериал гипертензия (АГ), қандли диабет (ҚД), аввал ўтказилган ўткир мия қон айланиши бузилиши ҳолати (АЎЎМҚБ), анамнезда миокард инфаркти (АМИ), анемия ( $Hb < 110 \text{ g/l}$ ), сурункали бўйрк касаллиги (СБК), сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК), меъда-ичак тракти касалликлари, семизлик ( $TMI > 30 \text{ кг/м}^2$ ) ва бошқалар. Шу билан бирга, бир нечта патологияларнинг комбинацияси йиғинди сифатида ҳисоблаб, коморбидликнинг умумий таркибий қисми ( $\Sigma$ ) сифатида баҳоланди.

Коморбидликнинг натижаларини  $\Sigma$  кўрсаткичи бўйича баҳолаш ва унинг адекватлигини аниқлаш учун биз Charlson индекси (1987) ва Kaplan–Feinstein индексидан фойдаланиб, қўшимча таҳлил ўтказдик.

Комплиянс даражасининг баҳоланиши беморларнинг тарихий хужжатларида қайд этилган дори воситалари гуруҳларини (аспирин сақловчи препаратлар (АСП), бета-блокаторлар (ББ), ренин-ангиотензин-алдостерон тизими ингибиторлари (РААСи – АПФ ингибиторлари ва сартанлар), статинлар, нитратлар, кальций антагонистлари ва бошқалар) таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Бундан ташқари, беморлар томонидан кунлик қабул қилинган дори воситаларининг ўртача миқдори ҳисобланди, бу эса «шахсий» кунлик дори истеъмоли йиғиндиси сифатида баҳоланди.

Ретроспектив қисмда шунингдек, госпитализация натижаларининг коморбидлик ва комплиянс даражалари билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланди.

*Проспектив қисм.* Ушбу тадқиқот босқичи МВМГдан чиқарилганидан кейин 5 йил ўтиб беморларнинг ҳолати ( $n=431$ ) телефон орқали беморлар ёки уларнинг яқинлари билан суҳбатлашиш орқали ўрганишни ўз ичига олди. Суҳбат давомида қуйидаги маълумотлар тўпланди: диспансеризация (амбулатор даволаш, қабул қилинаётган ДВ гуруҳлари), стационар даволашнинг такрорий курслари, 5 йил ичида уларнинг умумий сони ва натижалари, 5-йиллик давр мобайнида юз берган бошқа юрак-қон томир ҳодисалари, шунингдек, беморнинг ўлим ҳолати (агар ўлим юз берган бўлса, сабабларини аниқлаш учун имкон қадар кўп маълумот йиғишга ҳаракат қилинди).

Шунингдек, проспектив қисмда беморларнинг 5-йиллик даврда стасионардан чиқарилганидан кейинги тирик қолиш даражаси Kaplan–Meier

усули ёрдамида таҳлил қилинди. Дисперсион таҳлил орқали ўткир коронар синдромни бошдан кечирган беморларнинг 5-йиллик ҳаёт прогнозига энг салбий таъсир кўрсатган қўшимча патологиялар аниқланди. Бундан ташқари, комплиянс даражаси ва коморбидлик (шу жумладан,  $\Sigma$  кўрсаткич) 5-йиллик ҳаёт прогнозига қандай таъсир қилиши ҳам баҳоланди. Қуйида тадқиқот дизайни схемаси келтирилган.

### ТАДҚИҚОТЛАР ДИЗАЙНИ:

2015 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда МВМГга ЎКС ташхиси билан ётқизилган барча беморлар (n=449).			
<b>Тадқиқотнинг дастлабки босқичи:</b>			
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Беморларнинг тиббий тарихлари бўйича маълумотларни МВМГ архивларидан йиғиш.</li> <li>– Ҳар бир бемор учун сўровнома картасини тўлдириш.</li> <li>– Ҳар бир беморда алоҳида тартибда коморбид ҳолатларнинг мавжудлигини баҳолаш.</li> <li>– Даволанишга риоя қилиш даражасини (қабул қилинаётган дори воситалари гуруҳларини) ўрганиш</li> </ul>			РЕТРОСПЕКТИВ ҚИСМ
Касалхонада вафот этган (n=18)	Омон қолганлар (касалхонадан чиқарилган) (n=431)		
<b>5-йиллик тадқиқот босқичи:</b>			
Бемор вафоти (n=23)	Ҳолати номаълум (n=28)	Бемор тирик (n=380)	ПРОСПЕКТИВ ҚИСМ

